

Юридик шахслар ва юридик шахс мақомига эга бўлмаган хусусий тadbиркорларга телефон алоқаси хизматларини кўрсатиш бўйича

ШАРТНОМА № 2

Жондор.т

2022 йил «24» январ

Бундан кейин «Оператор» деб номланувчи телекоммуникация оператори (ваколатли шахс)
Узбекистон Республикаси Узбектелеком АК Бухоро филиали Жондор туман Телекоммуникация боғламаси,
(операторнинг номланиши)
Узбектелеком.АК

(лицензия берган ташкилотнинг номи)

томонидан берилган лицензия ва Низом асосида фаолият кўрсатувчи Ш.Тухтаев

(рахбарнинг мансаби, исм-фамилияси)

тимсолида бир томондан,

| Юридик шахс, |
|--|
| Бюджетдан маблағ олувчи ташкилот номи: Жондор туманидаги 2-сон ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаб интернати |
| Манзили: Жондор туман М.Торобий кўчаси №-1 |
| Рахбар, Ф.И.Ш. В.Шокиров |

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

Оператор телефон алоқасининг универсал (асосий) ва қўшимча хизматларини кўрсатиш, Абонент эса мазкур хизматлардан фойдаланиш, ҳамда хизматлар учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

1.1. Абонент тоифаси - бюджет

1.2. Абонент 2022 йилда бюджетдан алоқа хизматлари учун ажратилган маблағлар доирасида куйидаги график асосида ҳақ тулашни уз зимасига олади Жумладан:

| Йил | 1-чорак | 2-чорак | 3-чорак | 4-чорак | Жами |
|-----------------------|---------|---------|---------|---------|--------|
| 2022 Бюджет хисобидан | 146000 | | | | 146000 |
| Жами: | 146000 | | | | 146000 |

Жами 2022 йил учун 146000 (Бир юз қирк олти минг) сум.

2. ОПЕРАТОРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. Операторнинг мажбуриятлари:

2.1.1. Белгиланган сифат даражасида телефон алоқаси хизматларини ўз вақтида кўрсатиш.

2.1.2. Оммавий ахборот воситаларида, Интернет, аҳоли гавжум жойларда, эълонлар бериш ёрдамида корхона фаолияти, янги АТС ларни ишга тушириш, янги хизмат турлари, телекоммуникация хизматлари учун белгиланган тарифларнинг ўзгариши ва бу хизматларни кўрсатиш тартиблари ҳақида хабар бериш.

2.1.3. Универсал хизматларга тарифлар ўзгарганлигини камида 15 кун олдин оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш.

2.1.4. Абонентнинг айбисиз телефон алоқаси бузилганда абонент томонидан таъмирлаш бюросига талабнома тушган вақтдан бошлаб абонент ускунаси ишламаган кунлар учун абонент тўловларини қайта ҳисоблаб чиқиш. Қайта ҳисоб-китоблар маълумот рўйхатга олинган кундан эътиборан соат 00.00 дан бошлаб тўлиқ суткалар учун амалга оширилади. Техник сабабларга кўра абонент рақамининг ўзгаришини камида 10 кун олдин абонентга ёзма равишда маълум қилиш. Ўрнатилган тартибда маҳаллий телефон сўзлашувлари тўғрисидаги маълумот-расшифровка (детализация)ни қўшимча тўлов эвазига Абонентга бериш.

2.1.5. Абонент томонидан сотиб олинган телематик хизматлар (телефакс, телекс, ведеотекс ва ҳоказолар)нинг охирги ускуналарини шартномага қўшимча киритган ҳолда (8-бўлимга биноан) рўйхатдан ўтказиш.

2.1.6. Оператор, шунингдек, «Умумий фойдаланишдаги телекоммуникация тармоқларида телефон алоқаси хизматларини кўрсатиш қоидалари»да белгилаб берилган бошқа бир қатор мажбуриятларга ҳам эга (бундан кейин матнда «Қоидалар»).

Оператор курсатилган хизматлар ҳисоб-варак фактураларини ҳар ойда бюджет ташкилотига такдим этиб бориш мажбуриятини олади.

2.1.7. Агар Абонент ҳисоб-китоб давридан кейин 2 ой давомида телефон алоқаси хизматлари учун тўловни амалга оширмаса ушбу шартнома бир томонлама бекор қилинади.

2.1.8. Оператор «Қоидалар»да белгилаб берилган бошқа бир қатор ҳуқуқларга ҳам эга.

2.2. Операторнинг ҳуқуқлари:

2.2.1. Янги телефон станциялари ишга тушириш ва телефон тармоқлари реконструкция қилиниши муносабати билан амалдаги «Қоидалар»га мувофиқ Абонентнинг руҳсатисиз, аммо унга ўз вақтида хабар берган ҳолда, телефон рақамини бепул ўзгартириб қўйиш.

2.2.2. Оператор абонент линияларига тегишли сертификати бўлмаган ускуналар (телефон аппаратлари, телематик хизмат ускуналари, ахборот узатгичлар, радиотелефонлар, радиоузайтиргич, ПК, АОН ва бошқалар)ни ўчиртиришни операторнинг техник комиссияси томонидан далолатнома тузилгандан сўнг Абонентдан талаб қилиш.

2.2.3. Куйидаги ҳолларда абонент ускунасини телефон тармоғига уланишини тўхтатиш:

- маҳаллий, шаҳарлараро ва халқаро телефон алоқаси учун 4.6-бандга асосан алоқа хизматлари тўловлари тўланмаганда (бунда телефон алоқасини узиш ҳақида абонент камида 3 кун олдин телефон билан огоҳлантирилиши зарур);
- абонент томонидан охириги қурилмаларни ишлатиш қоидалари бузилганда ва бунинг натижасида оператор коммутацион ускуналарининг нормал ишлашига халакит берган ҳолларда;
- 2.2.4. Абонентнинг ушбу **58-22-591** рақамлари шаҳар ичида телефон сўзлашувлари алоқасига уланган.

3. АБОНЕНТНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

- 3.1. Ҳар чорақда камида 1 марта Оператор билан ўзаро ҳисоб-китобларни аниқлаш мақсадида солиштириш далолатномаси тузиш.
- 3.2. Оператор ҳисобидаги ёки у томонидан таъмирланадиган Абонент фойдаланиладиган уй телефон симлари ва бошқа ускуналарни ишга яроқли ҳолатда сақлаш. Абонентга тегишли бўлган ёки Абонент томонидан ижарага олинган телекоммуникация воситаларининг техник меъёрларга мувофиқ бўлишини таъминлаш.
- 3.3. Алоқа бузилишлари ҳақида телекоммуникация боғламасининг таъмирлаш бюросига ўз вақтида хабар бериш.
- 3.4. Корхонанинг номи, реквизитлари ўзгарганда, хонани ижарага бериш бўйича, бир ой муддат ичида ёзма равишда, санасини кўрсатган ҳолда Операторга хабар қилиш ва амалдаги тарифлар бўйича тўловлар эвазига шарномани қайта расмийлаштириш ёки уни бекор қилиш. Ижара муддати тугаши билан ёки ижарага бериш бўйича шартнома бекор қилинадиган бўлса, телефон алоқаси хизматини кўрсатиш бўйича тузилган шартнома ижарага олувчидан ижарага берувчи бепул қайта расмийлаштирилиши мумкин. Ижарага берувчи ижара шартномасини бекор қила туриб, ижарага олувчининг Оператор олдидаги қарзларини узишини назорат қилади ва қарзлар мавжуд бўлган тақдирда белгиланган тартибда жавобгар бўлиб ҳисобланади.
- 3.5. Абонентнинг алоқа «Қоидалар»ини қай даражада бажараётганини ёки абонент буюртмасига асосан таъмирлаш учун келган Оператор ходимини (агар у расми ёпиштирилган, корхона муҳри босилган, амал қилиш муддати кўрсатилган гувоҳномага эга бўлса) бинога киришга рухсат этиш. Бунда Оператор ходимида бажариладиган ишлар наряди ҳам бўлиши зарур.
- 3.6. Абонент ускунасидан пуллик хизмат кўрсатиш учун таксофон сифатида, Интернетга кириш ва хоказо мақсадларда фойдаланишга йўл қўйилмайди. Оператор томонидан ажратилган телефон рақамларидан телекоммуникация хизматларини кўрсатиш «Қоида»га белгиланган тартибда амалга оширилади. Ушбу банд бузилган тақдирда Оператор Абонентнинг телекоммуникация тармоғига киришини оператор техник комиссияси томонидан далолатнома тузилиб, камчиликлар бартараф этилгунга қадар тўхтатиб қўйиш ҳуқуқига эга. Абонент томонидан мазкур ҳолатлар такрорланганда шартнома бир томонлама бекор қилинади.
- 3.7. Фақат сертификатланган телефон аппаратлари ва бошқа ускуналардан абонент ускунаси сифатида фойдаланиш. Мувофиқлик сертификати бўлмаган, телефон рақамини автоматик аниқлаш ускунаси(АОН)дан фойдаланмаслик.
- 3.8. Абонент телефонларидан ва бошқа охириги қурилмаларидан амалга оширилган маҳаллий, шаҳарлараро, халқаро телефон сўзлашувлари учун тўловларни тўлик 4.3 – бандга асосан амалга ошириш.
- 3.9. Абонентлик қурилмасини ўзбошимчалик билан ўрнатиш ва параллел телефон аппаратлари ёки бошқа радио алоқаси, телематик хизматлар ва ахборот узатгичларига улаш таъқиқланади. Бу қурилмаларни улаш операторга маълум қилиниб, мувофиқлик сертификатига эга бўлгач амалга оширилади. Агар, Абонент томонидан ўзбошимчалик билан абонент линиясига уланган қурилманинг уланиш вақтини аниқлаш имконияти бўлмаса, абонент тўлови жорий йилнинг бошидан ҳисоблаб ундирилади.
Радиотелефонлар ва бошқа радиоэлектрон воситалар (10 мВт қувватли симсиз телефонлар бундан мустасно) абонент қурилмаси сифатида уланган тақдирда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш Агентлиги ёки унинг ваколатли органидан бу қурилмалардан фойдаланишга рухсатнома олинishi зарур.
- 3.10. Телекоммуникация тармоқлари иш сифатини пасаайтиришга ёки уларни шикастланишига қаратилган ҳатти-ҳаракатларга йўл қўйилмаслиги зарур.
- 3.11. Абонент «Қоидалар»да белгилаб берилган бошқа бир қатор мажбуриятларга ҳам эга.

4. Хизматларга ҳақ тулаш

- 4.1. Маҳаллий, шаҳарлараро ва халқаро телефон алоқаси учун тўловлар:
 - 100% олдиндан тўлов йўли билан амалга оширилади.
- 4.2. Олдиндан тўлов тарихидаги тўловлар камида 1 ой олдин, лекин 12 ойдан кўп бўлмаган муддат учун амалга оширилиши мумкин.
- 4.3. Телефон алоқаси хизматлари учун олдиндан тўланган тўлов суммаси операторнинг биллинг тизими томонидан қуйидаги кетма-кетликда тақсимланиб тўланади:
 - абонентлик тўлови ва қўшимча хизмат турлари;
 - ҳисоблагичлар;
 - шаҳарлараро ва халқаро сўзлашувлар.Ушбу бандда кўрсатилган хизматларга тарифлар ошган тақдирда, улар бўйича ҳисоб-китоблар бунақ суммаси тугагунга қадар амалда бўлган аввалги тарифлар бўйича амалга оширилади. (Агар бу хизматлар бўйича тўловлар универсал хизматларга тарифларнинг ўзгариши тўғрисида эълон берилишидан олдин амалга оширилган бўлса).
- 4.4. Маҳаллий сўзлашувлар (вақтбай асосида тўлов тизими жорий этилганда), шаҳарлараро ва халқаро телефон алоқасидан фойдаланганлиги учун тўлов ҳисоб варағига асосан (ахборот узатиш ва телематик хизматлардан фойдаланилганлиги учун тўловлар ҳам шунга қиради), ҳисоб варағида кўрсатилган санадан бошлаб 3 банк куни ичида амалга оширилади.
 - 4.5.1. Ҳисоб-китоб қилинган ойдан кейинги ойнинг 10-санасигача абонент «Оператор»нинг абонентлар бўлимига кўрсатилган телекоммуникация хизматлари учун ҳисоб-варақ фактурасини олиш учун келиши керак, кўрсатилган муддатда келмаган тақдирда телефон ўрнатилган тартибда ўчириб қўйилади.
 - 4.5.2. Абонент хоҳишига кўра оператор шаҳарлараро ва халқаро сўзлашувлар бўйича маълумот (расшифровка)ни электрон вариант(файл ҳолати)да бериши мумкин.
 - 4.5.3. Абонент шаҳарлараро ва халқаро сўзлашувлар бўйича маълумотни такрорий сўраган ҳолларда ундан қўшимча равишда 300 сўм, агар электрон вариант(файл ҳолати)да бўлса 100 сўм (ҳар бир компьютер варағи учун) олинади. Мазкур тўловлар алоқа хизматлари тарифлари ўзгарганида қайта кўриб чиқилади.
- 4.6. Белгиланган муддатда алоқа хизматлари тўловлари тўланмаса, телефон ўчириб қўйилади, бунда оператор шартномани бекор қилиш ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига мувофиқ қарзларни ундириб олиш ҳуқуқига эга.
Агар Абонент ҳисоб-китоб давридан кейинги 2 ой давомида телекоммуникация хизматлари учун, шу жумладан, телефон ўчириб қўйилган вақт учун қарзларини тўламаса, Оператор ва «Абонент» келишилган ҳолда шартномани бекор қилиш ва қарзларни ўрнатилган тартибда ундириб олиш ҳуқуқига эга. Қайтадан телефон ёки бошқа охириги қурилмани ўрнатиш ариза берилиб тегишли тўловлар амалга оширилгач амалга оширилади.

4.7. Агар абонент тўланиши лозим бўлган пул миқдорига, сўзлашув вақти ва бу сўзлашув унинг телефонига тегишли эканлигига норози бўлса, у ҳисоб varaғини олгандан сўнг 30 кун давомида раддия ёзиши мумкин. 30 кундан сўнг эътирозлар қабул қилинмайди. Текширув натижалари Абонентни қаноатлантирмасда судга мурожаат қилиши мумкин .

4.8. Ушбу шартноманинг 4.8-банди бўйича текширув ўтказилаётганда телефон шаҳарлараро ва халқаро сўзлашувларга чиқиш коди(8)сиз ишлатиб қўйилади.

4.9. Ҳар ойнинг 1-чи кунини ҳолатида дебитор қарздорлик мавжуд бўлса, «Оператор» қарздорлик суммасининг 0,1% миқдоридан тўловнинг ҳар бир кечиктирилган кунини учун, бу қарздорлик тўлиқ ундириб олинганча қадар пеня ҳисоблайди.

4.10. Абонентнинг айби билан телефон ёки бошқа охириги қурилма ишламаган пайтда улардан фойдаланиш бўйича абонент тўловлари тўлиқ миқдорда ундириб олинади.

4.11. Халқаро ва шаҳарлараро автоматик телефон алоқасидан фойдаланилганда, тўланиши лозим бўлган сўзлашув вақти сўзлашув бошланган вақтдан ҳисобга олинади. Телефонга уланган бирор бир техник ускуна (факс, автоматик жавоб берувчи, рақамни аниқловчи ва ҳоказолар) билан сўзлашув амалга оширилганда тўланиши лозим бўлган сўзлашув вақти ана шу ускуналар ишга тушган пайтдан бошлаб ҳисобга олинади.

5. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

5.1 .Низоларни ҳал этиш чоғида томонлар ўзаро келишувга биноан иш тутадилади.

5.2 .Томонлар ўзаро келиша олмаган ҳолларда, низолар Хўжалик судида ҳал этилади.

6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Ушбу шартнома шартларини томонлар бажармаган тақдирда уларнинг масъулияти Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролик Кодекси», «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги, «Телекоммуникациялар тўғрисида»ги қонунлари, «Умумий фойдаланишдаги телекоммуникация тармоқларида телефон алоқаси хизматларини кўрсатиш қоидалари» ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа бир қатор амалдаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ томонларнинг жавобгарликлари кўриб чиқилади.

7. ФОРС-МАЖОР

7.1.Томонларнинг хоҳиш-истагига мутлақо боғлиқ бўлмаган ҳолларда (табиий офатлар, ноқулай об-ҳаво шароитлари, ҳукумат чора-тадбирлари, ҳокимият идоралари қарорлари, ҳарбий тўқнашувлар, ички тартибсизликлар ва бошқа ҳолатларда) томонларнинг ўз мажбуриятларини бажармасликлари ушбу шартномани ижро этиш бузилган деб ҳисобланмайди, томонларнинг шартномани бажариш муддатлари юқорида кўрсатиб ўтилган ҳолатлар бартараф этиб бўлинганга қадар кейинга сурилади.

7.2.Форс-мажор ҳолатларига таяниб иш кўрувчи томон ваколатли давлат органининг тасдиқланган тегишли ҳужжатини тақдим этиши керак.

8. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ.

8.1. Мазкур шартномага ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тарафлар шартномани имзолаган пайтдан кейин бажарилиши керак.

8.2.Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма равишда содир этилиши ва тарафларнинг бунга лозим даражада маъсул бўлган вакиллари томонидан имзоланиши шарт билан ҳақиқий ҳисобланади. (Бюджет ташкилотлари учун Ҳазначилик бўлимида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги 594-сонли қарорига мувофиқ, мажбурий рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради).

8.3. Шартнома 1 йил муддатга тузилган бўлиб, муддати тугагач, тарафлардан бири уни бекор қилиш ёки ўзгартириш ҳақида мурожаат қилмаса, шартнома кейинги йил учун узайтирилган ҳисобланади. ((Бюджетдан маблағ олувчилар учун 2016 йил 22 декабрда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2850-сон билан рўйхатга олинган “Ўзбекистон Республикаси бюджет тзими бюджетларининг ғазна ижроси қоидалари”га асосан амал қилиш муддати “**31** декабрь 2022 йилгача белгиланади).

Шартнома янги муддатга узайтирилганда, уларнинг шартлари тарафлар келишувига биноан ўзгартирилиши мумкин.

8.4. Шартномани ўзгартириш ва бекор қилиш Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан ўрнатилган тартибда амалга оширилади.

8.5. Томонлар ўртасидаги ҳар қандай баҳслар, агарда ўзаро битимга келинмаса, жавобгар манзили томонидаги хўжалик суди томонидан ҳал қилинади. Томонларнинг ушбу шартнома бўйича эътирозлари, эътироз тушган кундан бошлаб 30 кун мобайнида кўриб чиқилади.

9. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР.

9.1 Мазкур шартнома тарафларнинг келушувига кўра ёки бошқа тараф шартнома шартларини жиддий равишда бузган тақдирда, тарафлардан бирининг талаби бўйича суд тартибида бекор қилиниши мумкин.

9.2.Мазкур шартнома икки нусхада тузилиб, тарафларнинг ҳар бирига бир нусхадан қолдирилади.

Шартноманинг ҳар иккала нусхаси тенг юридик кучга эга.

10. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

«Оператор»

Узбекистон Республикаси Узбектелеком АК Бухоро филиали Жондор туман Телекоммуникация боғламаси, (етказиб берувчининг номи)

Манзил: Жондор туман

М.Торобий.кўчаси №-1-уй

Тел./факс 58-21-440

Х/р 20210000804074838412

Банк номи Тошкент ш.,АТ Алокабанк бош офиси.

МФО 00401 ИНН 203 366 731

ОКОНХ 52 300

«Абонент»

Жондор туман 2-сон ихтисослаштирилган Давлат умумтаълим мактаб-интернати (бюджет маблагларини олувчи номи)

Манзили: М.Торобий куча. 1-уй Тел\факс: 58-21-760

Газна/х¹ 23402000300100001010.

Банк номи: Тошкент ш Марказий банк бош бошкармаси.

МФО 00014 ИНН:201807910 ОКОНХ: 92120

ш/х² 100021860062467092300075003

ш/х³ _____

Бухоро в. Газначилик бошкармаси.

Банк номи: Тошкент ш Марказий банк Бош бошкармаси.

МФО: 00014

Газначилик бўлини маси СТИРИ: 201122919



Рахбар

Ш.Тўхтаев
(Ф.И.Ш)

М.Ў.



Рахбар

В.Шокиров
(Ф.И.Ш)

М.Ў.

ХУКУҚШУНОС:

Ф. Турралиев
Дилн: 283597 19.02.2002